



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 178 (12.739)

Баҳоси эркин нарҳда

**Биз киммиз, қандай буюк
зотларнинг, қандай буюк
мероснинг ворисларимиз?!**

БУЮК АЖДОДЛАРГА МУНОСИБ ВОРИСЛАР

**Мамлакатимиздаги барча таълим муассасаларида
Президентимиз Ислон Каримовнинг 2014 йил
15-16 май кунлари Самарқанд шаҳрида бўлиб
ўтган «Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва
мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг
замонавий цивилизация ривожидagi роли ва
аҳамияти» мавзусидаги халқаро
конференциядаги маърузаси катта қизиқиш
билан ўрганилмоқда.**

Президентимиз маърузасида Ўрта асрларда Шарқ оламида яшаб ижод этган буюк аллома ва мутафаккирларнинг илмий мероси чуқур таҳлил қилиниб, замонавий цивилизация ривожидagi ўрни ва ролига муносиб баҳо берилди.

XV асрда Самарқандда шаклланган Мирзо Улуғбек илмий мактабида математика, астрономия, физика, тарих, фалсафа ва адабиёт каби фанлар юксак даражада раванқ толган. Борлиқ ва инсонни англаш борасида янги-янги кашфиётлар яратилган.

Шарқнинг улуг алломалари томонидан амалга оширилган мазкур оламшумул кашфиётлар бугунги тараққиёт учун нақадар муҳим эканини очиб бериш, бебаҳо илмий меросни янада теран тадқиқ этиш ва оммалаштириш, ёш авлодни ҳар томонлама баркамол, буюк аждодларимиздан фахрланиш руҳида тарбиялаш бугун ҳар қачонгидан долзарб аҳамият касб этмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг «Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидagi роли ва аҳамияти» мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги маърузасини мамлакатимиздаги барча таълим масканларида ўрганиш, унинг мазмун-моҳиятини ёшлар онги ва қалбига чуқур сингдириш фарзандларимизни улуг аждодларимизга муносиб бўлишга, юртимизда ҳар томонлама ривожланиш, юксак марраларни забт этиш учун яратиб берилган шароитлардан унмолли фойдаланишга руҳлантиради.

Давлатимиз раҳбарининг маърузасини умумтаълим мактабларининг 9-синф ўқувчилари, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар, олий ўқув юртлири талабаларига ўқитиш учун махсус факультатив дарслар режаси ишлаб чиқилиб, тегишли ўқув дастурлари ва методик тавсиялар барча таълим даргоҳларига етказилди ҳамда электрон шакли таълим вазирликлари, раёон раҳбарлиги веб-сайтларида жойлаштирилди.

Барча таълим масканларида «Мустақиллик дарслари»да ушбу машғулотларга таниқли олимлар, профессор-ўқитувчилар, ижодкор зиёлилар, соҳа мутахассислари жалб этилди. Мазкур дарсларда мамлакатимизда барча соҳаларда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотларнинг мазмун-моҳияти, танлаган тараққиёт йўлимиз, янги демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш борасида эришаётган ютуқ ва марраларимизнинг аҳамиятини ёш авлодга таъсирчан мисоллар билан етказиш, уларнинг қадр-қимматини чуқур англашишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ривожланган, инсонни камолотга қўлайдиган эзгу таълимотлар билан ёвуз гоялар ўртасидаги кураш кескинлашган бугунги замонда ёшларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжиди аждодлардан мерос умуминсоний гоялар қондириш, уларни юксак тафаккур соҳиблари этиб тарбиялаш ҳар қачонгидан долзарб бўлиб бормоқда, — дейди Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари Қасимов Қурбонбой. — Давлатимиз раҳбарининг маърузасида баён этилган фикрлар ўсиб келаётган ёшларни қандай буюк зотларнинг авлоди эканини янада чуқур англашга, улар билан гурурланишга, гурурланибгина қолмай, уларга муносиб бўлишга ундайди.

Президентимиз ўз маърузасида бугунги кунда энг кўп талаб қилинадиган ва ўзини энг кўп оқлайдиган сармоя — бу инсон капиталига йўналтирилган сармоя эканини таъкидлаётган, мамлакатимизда ўғил-қизларнинг замонавий билим ва касб-ҳунарларни эгаллашга алоҳида эътибор қаратилаётганини қайд этди.


Давлатимиз раҳбари маърузасида қайд этилганидек, ўзининг тарихий, маданий ва интеллектуал меросини асраб-авайлашга, бойитиш ва қўлайтиришга, шунингдек, униб-ўсиб келаётган ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашга етарлича эътибор қаратмайдиган, ҳар томонлама уйғун ривожланган, мустақил фикрлайдиган, ўз қараш ва ёндашуви, гражданлик позициясида эга бўлган шахсни камол топтиришни ўз олдига мақсад қилиб қўймайдиган давлат ва жамият тарих ва тараққиёт йўлидан четда қолиб кетишга мажбур.

Биз ҳар томонлама баркамол камол топиш учун барча шароитлар яратилган озода ва обод юрт фарзанди эканимиздан гурурланамиз, — дейди Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети талабаси Ҳамида Усмонова. — Юртбошимиз халқаро конференцияда таълим тизимидаги ислохотлар бераётган юксак самаралар ҳақида фахр билан сўз юритди. «Мустақиллик дарси»да мамлакатимизда бу борада олиб борилаётган ишлар, ёшларга оид давлат сиёсатининг моҳияти, дунё цивилизациясига катта ҳисса қўшган буюк алломаларимиз ҳақида кўп маълумотларга эга бўлди. Бу кўксимизни фахр-ифтихорга тўлдириб билан бирга бизни янада фаол, улуг аждодларимизга муносиб ворислар бўлишга, барча соҳаларда эришилаётган ютуқларга ўз ҳиссамизни қўшишга руҳлантиради.

Дилшод КАРИМОВ,
ЎЗА муҳбири

ПОЙТАХТНИНГ

БИР
КУНИ



ВАТАНИГА СОДИҚ ЎҒЛОНЛАР АҲДИ

Шу кунларда юртимизнинг барча гўшаларида Ватанимиз Мустақиллигининг 23 йиллиги кенг нишонланмоқда. Ички ишлар вазирлиги тизимидаги бир қатор олий таълим муассасаларида истиқлол байрами билан бирга биринчи босқич курсантларининг қасамёд қабул қилиш маросимлари ҳам бўлиб ўтди.

Бугунги кунда ички ишлар соҳасида офицер кадрлар тайёрлашни такомиллаштириш, билим юртларида курсантларнинг билим олиши, жанговар машғулотларни юқори савияда ўташи учун шароит яратиш, соҳанинг нуфузини янада ошириш борасидаги тизимли ишлар давом эттирилмоқда. Таълим муассасаларида ўқув-тарбиявий жараёнлар янги ўқув-техник ва маънавий-ахлоқий асосда йўлга қўйилиб, таълимнинг моделлаштириш ва бошқа замонавий усуллари, илғор педагогик ва ахборот технологиялари кенг жорий этилаётди. Номзодларни танлашда эса бугунги кун талабларига жавоб бера оладиган, пухта тайёргарликка эга, интеллектуал жиҳатдан етук ва ҳар қандай шароитда мустақил фикрлай оладиган ёшлар тест синовлари асосида ўқишга қабул қилинмоқда.

Жорий йилда биринчи курсга қабул қилинган тингловчилар Ватанимиз, халқимиз, Президентимиз олдида ўз касбига содиқ, фидойи ва ватанпарвар инсон бўлишга оид ичкидилар. Қасамёд қабул қилиш тадбирлари Ички ишлар вазирлиги академиясидан бошланди.

Ушбу олий таълим даргоҳида бугунги кунда тингловчиларнинг замон талаблари даражасида таҳсил олишлари учун жаҳон андозларидаги мос келувчи ўқув ва моддий-техникавий база яратилган. Таълим жараёни замонавий инновацион ва инновацион педагогик технологияларни қўллаган ҳолда, намунавий ўқув режалар асосида олиб борилади.

Академиянинг инновацион педагогик технологиялар, таълим телевидион марказлари, замонавий ахборот-коммуникация тизими билан жиҳозлан-

ган маъруза заллари, Одам савдоси ва гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний айланишига қарши кураш, Криминалистик тадқиқотларни ўрганиш ҳамда инсон ҳуқуқлари бўйича ресурс марказлари тингловчиларни замон талабларига жавоб берадиган етук кадр бўлиб етиштиришга хизмат қилмоқда.

Бугун ички ишлар офицерларига ҳавас қилиб, мен ҳам офицер бўламан деган бир қатор ёшлар тест синовларидан муваффақиятли ўтиб, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар ходимининг қасамёдини қабул қилдилар.

Очилини айтсам, ҳозир қувончим ичимга сиғмаяпти, сабаби, ўғлим қасамёд қабул қилиш билан бирга ўз ҳаёт йўлини танлади, — дейди Ю.Халилова. — Ўғлим болалигидан ички ишлар ходимларига ҳавас қиларди ва ўзи ҳам офицер бўлишни орзу қилган. Бугун ниятига етди, биз бундан жуда мамнунмиз. Ҳар бир она учун фарзандининг камоллини кўришдан ўзга бахт бўлмаса керак. Мен бугун жуда бахтлиман, фарзандларим камол топиб, ўзларига муносиб ҳаёт йўлини танламоқда. Буларнинг бари Истиқлолимиз шарофатидандир.

Тошкент Олий ҳарбий-техника билим юртида ҳам биринчи босқич курсантлари қасамёд қабул қилдилар. Ушбу олий таълим муассасаси Президентимизнинг 1992 йил январдаги Фармони-га асосан ташкил этилган бўлиб, ҳозирда бу ерда Ички ишлар вазирлиги ва Куролли Кучларнинг бошқа тизимлари-га бешта мутахассислик бўйича офицер кадрлар тайёрланмоқда. Билим юртида ўқитиш йўналишларга қараб, тўрт ва беш йил давом этади. Таълим

кундузги шаклда бўлиб, битирувчиларга лейтенант ҳарбий унвони ҳамда мутахассислик бўйича олий маълумот тўғрисида диплом берилади.

Таълим жараёнига янги педагогик ва ахборот-коммуникацион технологияларнинг жорий этилгани ҳолда билим берилмоқда. Ўқитишнинг бундай ташкил этилиши тингловчи ва курсантларнинг соҳа сир-асорларини пухта ва мукаммал ўзлаштиришлари, билим олишга қизиқиш ва иштиёқларини кучайтиришга хизмат қилади.

Ички ишлар вазирлигининг яна бир олий таълим муассасаси — Ёнги хавфсизлиги олий техник мактабида ҳам курсантлар қасамёд қабул қилди. Шу муносабат билан билим юртида тантанали тадбир ташкил этилди ва унда мазкур даргоҳ профессор-ўқитувчилари, курсантлар ҳамда ота-оналар иштирок этишди.

Қасамёд қабул қилиш шунчаки расмий тадбир эмас, балки йигитлик шаъни, ор-номусини ўртага қўйиб, ўз зиммасидаги масъулиятли ва шарафли бурчни адо этишга бел боғлаб, аҳду паймон қилиш маросимидир, — дейди биринчи босқич курсанти Шохруз Убайдуллаев. — Бугун офицер бўлишдек шарафли касбни эгаллаш учун илк қадамни ташламоқдамиз. Эндиги ниятимиз билим юрти профессор-ўқитувчиларида қасбий билимларни пухта ўрганиш ва малакали кадр бўлиб етиштириш.

Тадбирларда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазир генерал-лейтенант А.Ахмедбаев иштирок этди.

Абдуаллим САЛИМОВ
Отабек Мирсоатов (ЎЗА)
олган сурат



МАМЛАКАТИМИЗДА

● **Энг улуг, энг азиз байрам — Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллигига Термиз шаҳридаги «Термиз-Тезкор-Курилиш» ихтисослашган таъмирлаш қурилиш ташкилоти ажойиб туҳфа ҳозирлаб, Турон маҳалласида замонавий усулда барпо этилган маҳалла гузарини фойдаланишга топширди.**

● **Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ туманидаги «Uz Germed pharm» Ўзбекистон-Германия қўшма корхонасида турли дорилар ампуласини ишлаб чиқариш линияси ишга туширилди.**

● **Қарши шаҳрида қурилиш архитектураси жиҳатидан замонавий ва миллий меъморий ечимга эга «Бахт уйи» — фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлими (ФХДЁ)нинг янги биноси фойдаланишга топширилди.**

● **Наманган вилояти Тўрақўрғон тумани тиббиёт бирлашмасининг замон талаблари асосида реконструкция қилинган болалар бўлими биноси фойдаланишга топширилди.**

ЖАҲОНДА

● **Ривожланиш жараёнида ҳар дақиқада мобил теле-фонларнинг очилмаган қирралари очилмоқда. Шундай хусусиятлардан бирини японияликлар ўйлаб топишди: мобил телефони ёрдамида китоб ёзиб, бутун китоб саноатини ҳайратда қолдиришди. Бунчалик ғайритабиий усул билан ёзилган романлар, бир зумда машҳур бўлиб кетди ва асосчи-ёзувчиларига каттагина даромадлар олиб келди.**

● **Гарвард университети олимлари томонидан қора шоколад қўшилган дори воситаси ишлаб чиқилди. Мазкур восита юрак фаолияти билан боғлиқ хасталикларда кутилмаган хуружларнинг олдини олиш учун қўлланилиши режалаштирилган.**

ҚИСКА САТРАПДАР

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **КЕЧА** Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Ягонасан,

муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» номли услубий қўлланманинг мазмун-моҳияти ҳақида матбуот анжу-

мани ўтказилди.

✓ **КЕЧА** Ўзбекистон тарихи давлат музейида «Ариранг — Кореянинг қалби» номли кўргазма очилди.

✓ **ЭРТАГА** Чилонзор туманидаги 43-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида спорт фестивалининг очилиш маросими бўлиб ўтади.

Мамлакатимиздаги барча замонавий таълим масканлари, ахборот-ресурс марказлари, спорт иншоотлари ёшларнинг ҳар томонлама билимли, соғлом ва муайян касб-ҳунарларни эгаллаган авлод бўлиб вояга етишига хизмат қилмоқда.

ЁҒОЧГА ЖИЛО БЕРИБ

Пойтахтимиздаги «Баркамол авлод» республика болалар маркази шундай масканлардан. Бу ердаги ёш доиралари, либослар дизайни, ракс, заргарлик, мунчоқли безак, ёғоч ўймакорлиги, ёш мусаввир, тўқувчилик, бичиш-тикиш каби ўттиздан ортиқ тўғарада 700 га яқин ўғил-қиз ёзги таътилни мазмунли ўтказмоқда.

Марказда ҳунармандчиликнинг ёғоч ўймакорлиги тўғарага кизиқувчи ёшлар кўп. Айни пайтда қирқ нафар ўқувчи моҳир уста Саидомил Хўжаевдан ёғоч ўймакорлиги ҳунари сирларини ўрганмоқда.

Тўғарақ учун махсус жиҳозланган икита хона ажратилган. Бири турли лаган, пано, лавх, стулчалар каби нақшдор буюмлар билан безатилган кўрғазмалли хона бўлиб, бу ердан ёғоч ўймакорлигининг намуналари, ўймакорликка оид фотосуратлар, ёш ҳунармандларга

дастуруламал сифатида чизилган композицион шакллар ва деворий буюмлар жой олган. Кейинги хона устахона бўлиб, бу ерда ёшлар ёғоч ўймакорлиги билан шуғулланиди.

Машгулотларда тажриба ва маҳорат ошираётган ўқувчилар турли танловларда муваффақиятли қатнашиб, совринли ўринларни эгаллаб келмоқда. Жумладан, 2012 йили ёш ҳунармандлар ўртасида ўтказилган танловнинг Тошкент шаҳар босқичида Абдурахмон Хожимуродов, Мираброр Мираъзамов ғолибликни қўлга киритди. 2013 йили ўн икки ёшли Абдурахмон Зоиров мамлакат миқёсида ўтказилган «Камалат юлдузлари» танловида биринчи ўринни эгаллади.

— Тўғараққа энди келган пайтларимда тенгдошларимнинг ёғочдан турли нақшли буюмлар ясаётганини кўриб, менда ҳам ёғоч ўймакорлигига иштиёқ пайдо бўлди, — дейди ёш ҳунарманд

А.Зоиров. — Бу қизиқиш ҳар қандай машаққат ва қийинчиликларни енгишга куч берди. Мана бугун нақшкор қутча, лаган каби буюмлар ясамоқдам.

Истеъдодли ёш ҳунарманд ҳунар ўрганиш билан бирга, халқ амалий санъатининг ушбу тури ҳақида ўз билимини ошириб бормоқда. У наққошлик санъати усулларини нафақат буюмларда, балки хонадонларда ишлатиладиган рўзгор анжомларида ҳам акс эттириш ниятида.

Бугун фарзандларимизнинг ҳар томонлама баркамол улғайиши учун барча шароит муҳайё. Ёшлардан фақат ушбу эътиборга муносиб бўлишга интилиш, имкониятлардан унумли фойдаланиш учун ҳаракат бўлса, бас.

Даврон СУННАТОВ,
ЎЗА муҳбири
Ёлқин Шамсиддинов (ЎЗА)
олган сурат

СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРАФДОРИМИЗ

«Болажон» номли маданият ва истироҳат боғида Шайхонтоҳур туманидаги маҳалла ёшлари ўртасида «Шайхонтоҳур ёшлари — соғлом турмуш тарафдорлари» мавзусида спорт мусобақаси ташкил этилди.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Шайхонтоҳур туман Кенгаши томонидан уюштирилган мусобақада тумандаги маҳалла ёшлари шахмат, шашка, стол теннис, «Кувноқ стартлар» эстафетаси, «Арқонда сакраш», «Тўп билан узоқликка югуриш» каби спорт турлари бўйича ўзаро беллашибди.

— Тадбирни ўтказишдан мақсад ёшларимизни она Ватанга садоқат, меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялаш, вояга етмаган ёшларни ҳар томонлама соғлом ва баркамол бўлиб улғайишларига қўмаклашиш ва уларни спортга кенг жалб қилишдан иборатдир, — дейди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман Кенгаши раиси Лазиз Тўраев. — Зеро, ҳар бир боланинг келгусида баркамол, соғлом бўлиб вояга етишига барчамиз бирдек масъулмиз.

Ўтказилган спорт турлари бўйича ўз маҳоратларини тўла кўрсатган фаол ёшларга «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман Кенгашининг эсдалик совғалари ҳамда фахрий ёрликлари топширилди.

Зиёда РАСУЛОВА

ҲУҚАРОЛАР ВА ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан 2014 йил декабрь ойи охиригача ўтказиладиган жойларда фуқаро ва тадбиркорлик субъектларини сайёр қабул қилиш кунлари жадвали тасдиқланди. Жадвалга мувофиқ фуқаро ва тадбиркорлар 2014 йил 16 сентябрь кунини Юнусобод тумани ҳокимлиги мажлислар залида соат 10:00 дан 12:00 гача ва Учтепа тумани ҳокимлиги мажлислар залида соат 15:00 дан 17:00 гача ўтказиладиган сайёр қабулларда қатнашиб, ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олишлари мумкин.

ИЖОДИЙ АЛОҚАЛАР ДАВОМ ЭТАДИ

Рассомлар дунёни кўнгил кўзи билан кўриб, қалб ранглари билан идрок этади, дейишади. Дарҳақиқат, бу ижод аҳли ранглар орқали дунёни тасаввур қила олади.

Ватанимиз тарихи, халқимиз урф-одатлари, бир сўз билан айтганда, миллийлигимизни бўй-баста билан кўрсатишга интилаётган мўйқалам усталарининг яратган асарларига назар ташласангиз, рассом учун қалб кенглиги, тасаввур қамрови беқиёс бўлиб, ҳақиқатан ҳам ҳақиқатан ҳам бу етакчилик қилади. Шунингдек, у яратган асарларнинг барчасида ёрқин рангларнинг фикр теранлиги билан уйғунлиги аққол кўзга ташланади. Асарларининг бадий ифодавийлиги ҳам ўзига хос. Уларда рамзийлик, фалсафийлик ва мажозийлик уфуриб туради. Бунинг сабаби эса у асар яратишда гоёта қизиқарли ва ўзига хос услубни қўллайди. Бу эса асарнинг ифодавий имкониятларини янада кучайтиради.

Рассомнинг тасвирий санъат асарлари қамрови йилдан йилга кенгайиб бормоқда. Эндиликда унинг асарлари орасида ҳарбийлар ҳаёти акс эттирилган картиналарни ҳам кўриш мумкин. Аниқроқ қилиб айтганда булар, бугун унинг ижодида ҳарбийлар мавзуси етакчилик қилмоқда. Аҳмаджоннинг бу йўналишда қалам тебратишининг ўзига хос сабаблари бор, албатта. Келинг, бу ҳақда алоҳида тўхталиб ўтсак. Аҳмаджон 2005 йил Мудофаа вазирлиги ва Ўзбекистон Бадий академияси ташаббуси билан 14 январь — Ватан ҳимоячилари байрами арафасида ҳарбий қисмларга бориб, ҳарбий хизматчиларнинг хизмат фаолияти билан яқиндан танишади, улар билан суҳбатлашади, кейин эса ўқув машғулотлари ўтказиладиган полигонларга бориб, ушбу жараёнларни мойбўёқ ёрдамда матога чизади. Ҳарбий хизматчилар билан бўлган мулоқот, уларнинг хизмат фаолияти рассомда шунчалик катта таассурот қолдирган эдики, у бу мавзуда кўпроқ рангтасвир асарлар яратиш кераклигини, шу орқали ҳарбийликке масъулиятли, шунинг билан бир қаторда шарафли касбини, ҳаётини мана шу касб билан боғлаган фидойи Ватан ҳимоячиларини улғулашни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Унинг бу асарлари бир неча бор Ватан ҳимоячилари кўни муносабати билан ўтказилган кўрғазмаларда томошабинлар эътирофига сазовор бўлди. Ижодий ҳамкорлик рассомда бир-биридан ранг-баранг рангтасвир асарларининг дунёга келишига замин яратди. Шундан сўнг у кўп ҳарбий қисмларга ижодий сафар қилади. Сафар жараёнида эса бир-бирини такрорламайдиган ажойиб талқиндаги асарларни яратишга муваффақ бўлади.

Рассом бир гал алоқачилар қисмига боради. Ҳарбий хизматчилар билан суҳбатлашиб, уларнинг жанговар топшириқларни қандай бажараётганликлари ни синчиклаб кузатади, сўнгра уларнинг бадий тасвирларини бирма-бир ифодалашга ўтади. Ижодий сафар ўз самарасини берди: бир неча ўзига хос композицион ечимдаги ижод маҳсули пайдо бўлди.

Унинг уч қисмдан иборат матога мойбўёқ ёрдамида ишланган туркум рангтасвирларидан бирида алоқачиларнинг хизмат фаолияти маҳорат билан ёритиб берилган. Ушбу асарлар кенг, панорамали кўринишга эга. Унда мусаввир мамлакатимизнинг ноёб табияти билан ҳамоханг гўзал манзарали кўринишларини ўзига хос тасвирий ечимда акс эттиришга эришган. Айниқса, тасвирдаги ҳар бир ҳарбий хизматчининг юз тузилишида, ўз ишига садоқат билан ёндошиб, катта эътибор сарф қилиб, она юрт дахлизлигини бир жон, бир тан бўлиб ҳимоя қилаётганликлари яққол сезилади. Асарда мамлакатимиз ҳаво сарҳадларини мудофаа қилиш жараёни рассом томонидан табиий манзарали фонда ёрқин мовий ранглар уйғунлигида ҳаётий ифодаланган.

Дарҳақиқат, Аҳмаджон Уринов истеъдодли рассом. У Ўзбекистон тасвирий санъатининг театр безак йўналишини яхши ўзлаштирган. Бу ҳикоят рассомнинг ҳарбийлар мавзуси ёритилган асарларида ҳам етакчилик қилади. Рассом ҳарбий мавзудаги асарларида ҳарбий хизматчиларни гўё театр сахнасидагидек бепоён қир-адирлар фондида эркин, ёрқин бўёқлар ёрдамида томошабин қалбига етиб борадиган илиқ колоритда тасвирлайди. Бу нарсаси томошабинни рассомнинг асарларидаги табиийлигини, ҳаққонийлигини чин қалбдан ҳис қилишга ундайди.

Бир сўз билан айтганда, рассом Аҳмаджон Уриновнинг ҳарбий мавзуда яратган асарларида Қуролли Кучларимизнинг ҳарбий салоҳияти, юртимиз тинчлигини сақлашда муқаддас вазифани шараф билан адо этаётган жасур ҳарбий хизматчиларнинг мардонавор хизматларини акс эттиришдек эзгу мақсад наъор. Ижодкор бу мақсадга эришган ҳам. Энг асосийси, рассомлар ва ҳарбий хизматчилар ўртасида ижодий алоқалар бундан кейин ҳам давом этади. Ўзбекистон тасвирий санъатининг умидбахш рассомлари ҳали бу йўналишда жуда кўп асарлар яратиб, халқимиз эътиборига тушади. Зотан, шарафли касбини ардоқлаш, уни кўларга кўтариш ҳам шарафдир.

Тўлқин АХМЕДОВ,
Камолитдин Бехзод номидagi
Миллий рассомлик ва дизайн институти
катта ўқитувчиси

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ ДИҚҚАТИГА! ИЧИМЛИК СУВИ БОСИМИНИНГ ПАСАЙИШИ ҲАҚИДА

«Сувсоз» ДУК катта ҳажмли сув ўтказгич тармоқларида таъмирлаш ишлари олиб борилиши, шунингдек 2014 йил кузги-қишки мавсумга тайёргарлик кўриш муносабати билан ичимлик суви босимининг пасайиши ва бўлмаслиги ҳақида қуйидагиларни маълум қилади:

8 сентябрь соат 09.00 дан 9 сентябрь соат 09.00 гача

1. Сув бўлмайди: — **Миробод тумани бўйича:** Фаргона йўли 6-бехар кўчасида.
2. Босими пасаяди: — Эски Сарикўл ва Янгизамон мавзелирида.

9 сентябрь соат 09.00 дан 10 сентябрь соат 09.00 гача

1. Сув бўлмайди: — **Мирзо Улугбек тумани бўйича:** М-1, М-2, Яхё Ғуломов кўчасида.
— **Яшнобод тумани бўйича:** Содиқ Азимов 3-тор кўчаси, 1-уйда, Яхё Ғуломов кўчаси, 66, 68-уйларда.
— **Юнусобод тумани бўйича:** Амир Темур 1-тор кўчасида.

10 сентябрь соат 09.00 дан 11 сентябрь соат 09.00 гача

1. Сув бўлмайди: **Учтепа тумани бўйича:** 23-мавзе, 1, 3, 11, 27, 42, 53-уйларда, 78, 199, 107-сонли мактабларда, «Ширин» маҳалласида, 378, 392, 409-мактабгача таълим муассасаларида, 24-мавзеда, «Ватан» маҳалласида, 1-15-уйларда, 17-23-уйларда.

11 сентябрь соат 09.00 дан 12 сентябрь соат 09.00 гача

1. Сув бўлмайди: — **Юнусобод тумани бўйича:** Навой кўчасида «Туркистон» саройи, «Ал-Азиз» кафесида, «Анҳор» кафесида, Ички ишлар вазирлиги қошидаги милиция мактабида.

11 сентябрь соат 09.00 дан 12 сентябрь соат 21.00 гача

1. Сув бўлмайди: — **Сергели тумани бўйича:** Сергели 3-4 даҳалар юқори қаватларида.
2. Босими пасаяди: «Оқибат» маҳалласида, Сергели 3,4 даҳаларида, «Янги ҳаёт» маҳалласида.

15 сентябрь соат 09.00 дан 16 сентябрь соат 09.00 гача

1. Сув бўлмайди: — **Миробод тумани бўйича:** Амир Темур шох кўчасидаги Халқ банки ва Савдо департаментиди, Бухоро кўчасидаги Билайн бизнес бош офисида.

16 сентябрь соат 09.00 дан 17 сентябрь соат 09.00 гача

1. Сув бўлмайди: — **Мирзо Улугбек тумани бўйича:** Яланғоч даҳасида, «Навнихол», «Умид» маҳаллаларида.
— **Юнусобод тумани бўйича:** «Обод», «Оқтепа» маҳаллаларида.
2. Босими пасаяди: ТТЗ, Феруза мавзелирида.

17 сентябрь соат 09.00 дан 18 сентябрь соат 09.00 гача

1. Сув бўлмайди: — **Шайхонтоҳур тумани бўйича:** «Оқлон» маҳалласида, 141-сонли мактабда, болалар ўпка касалликлари шифохонасида.
2. Сув босими пасаяди: — 3-Иссиқлик қозонхонасида, «Исломобод» маҳалласида.

18 сентябрь соат 09.00 дан 19 сентябрь соат 09.00 гача

1. Сув бўлмайди: — **Яшнобод тумани бўйича:** Ниёзбек йўли ва тор кўчаларида, Олой бозори тор кўчасида.
2. Сув бўлмайди: — **Яккасарой тумани бўйича:** Бобибўстон кўчаси бўйлаб Чўпонота кўчасидан 4-тор Бобибўстон кўчасигача хусусий хонадонларда, Яккасарой, 3-тор Бадриддин Хилолий, Сайидо Насафий ва 2-тор Сайидо Насафий кўчаларида.

22 сентябрь соат 09.00 дан 23 сентябрь соат 09.00 гача

1. Сув бўлмайди: — **Учтепа тумани бўйича:** 81-сонли мактабда, 396, 505-сонли мактабгача таълим муассасаларида, «Пахтакор», «Журжоний», «Кўкча», «Оқтепа» маҳаллаларида, 8-сонли поликлиникада, Ўзбекис-

тон Давлат Жаҳон тиллари университетидида қозонхонаси билан бирга, Юқумли касалликлар шифохонаси қозонхонаси билан бирга, болалар санаторийсида

Чилонзор тумани бўйича: 2-мавзеда, 62-68-уйларда, Чўпонота кўчасидаги 1, 2а, 2б, 3-13-уйларда, «Катта Қозиробод» маҳалласида, 138-сонли мактабда, 77, 79, 81-уйларда, 83, 85-, 9 қаватли уйларда.

2. Сув босими пасаяди: «1-Чарх Комолон» маҳалласида, 2, 3-даҳаларда.

23 сентябрь соат 09.00 дан 24 сентябрь соат 09.00 гача

1. Сув бўлмайди: — **Мирзо Улугбек тумани бўйича:** «Бешкапа» маҳалласида, Султония, Гулрайхон, Агрономия кўчаларида, Буюк Ипак йўли кўчаси 427а, б, в, 421а, б хонадонлар, ТТЗ-2 1,2,3,4,11,12,14-уйларда, Давлат бошқармаси 2-сонли пансионатида, ТТЗ 2-сонли шифохонасида.

Олмазор тумани бўйича: Зиёнов кўчасида, К/Қ 2/1, 2/5, 1/3, 1/4, Қариялар уйи, «Суллола» кафеси, «Олмазор» ресторани, ИИББ, Нарзтепа, Шифонур кўчаларида, «Гуручарик» маҳалласида.

2. Сув босими пасаяди: Олмазор туман ҳокимияти, Қўз касалликлари шифохонасида.

24 сентябрь соат 09.00 дан 25 сентябрь соат 09.00 гача

1. Сув бўлмайди: — **Юнусобод тумани бўйича:** «Оқ Олтин» пансионатида, «Дархон» маҳалласида.
2. Сув босими пасаяди: Қорғоз фабрикасида.

25 сентябрь соат 09.00 дан 26 сентябрь соат 09.00 гача

1. Сув бўлмайди: — **Юнусобод тумани бўйича:** Боғишамол кўчаси 2, 2а-уйларда
1. Сув бўлмайди: **Сергели тумани бўйича:** «Дўстлик» маҳалласида, «Чермет» ташкилотиди, Интерсқ, «Новатор», гугурт ишлаб чиқариш заводида, тикувчилик цехида, «С» Акбар термини қайта ишлаш корхонасида, қандолатчилик цехида, Йўлдош 4-даҳасида

29 сентябрь соат 09.00 дан 30 сентябрь соат 09.00 гача

1. Сув бўлмайди: — **Чилонзор тумани бўйича:** Шарқ, Гулистон, Ал-Хоразмий мавзелирида.

30 сентябрь соат 09.00 дан 1 октябрь соат 09.00 гача

1. Сув бўлмайди: — **Яшнобод тумани бўйича:** «Бирлашган» маҳалласида, Бирлашган ва 3, 4, 5-тор кўчаларида, Бешариқ кўчаси ва 2, 4-тор кўчаларида, «Парвоз» маҳалласида, Авиасозлар 1-мавзесида, 338, 86, 44-сонли мактабгача таълим муассасаларида, ҳарбий хизматта қақариш бўлимида.
2. Сув босими пасаяди: Түзель 1, 2, 3, 4-мавзелирида, Авиасозлар 2-мавзесида.

2 октябрь соат 21.00 дан 3 октябрь соат 09.00 гача

1. Сув бўлмайди: — **Сергели тумани бўйича:** Йўлдош 4, 7, 16, Дўстлик 1, 2-мавзелирида, «Темирйўлчи» маҳалласида, Олмазор кўчасида.
2. Сув босими пасаяди: Сергели 1, 2, Сергели 3, 4 9 қаватли биноларда.

6 октябрь соат 09.00 дан 7 октябрь соат 09.00 гача

1. Сув бўлмайди: — **Юнусобод тумани бўйича:** Обиравон кўчасида, Отчопар кўчасида.

8 октябрь соат 09.00 дан 9 октябрь соат 09.00 гача

1. Сув бўлмайди: — **Сергели тумани бўйича:** Аэропорт 1-тор кўчасида, «Чоштепа», «Ўзгариш», Навойи,

Сув бўлмаган жойларга сув ташувчи махсус автомашиналар юборилади.
Маълумот учун телефонлар: 256-10-95, 252-55-78, 252-60-08.



Аъло Абдуллаев (ЎЗА) олган сурат

Мустақиллик йилларида Президентимиз раҳнамолигида халқимизнинг бой маданий мероси ва аъноларини асраб-авайлаш, ёш авлодни миллий ва умумбашарий қадриятлар, Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида камол топтириш, истеъдодларини рўёбга чиқаришга устувор вазифа сифатида қаралмоқда. Учтепа туманидаги янги барпо этилган боғ ҳам маданият ва санъатни ривожлантиришга, халқимиз маънавиятини юксалтириш ва маданий дам олишларини таъминлаш мақсадида ташкил қилинди.

ЯНГИ БОҒ БАРПО ЭТИЛДИ

«Учрашув» номи билан аталган маданият ва истироҳат боғининг очилиш маросими тантанали байрам шодиёнасига айланиб кетди. Тадбирга маданият ва санъат усталари, танikli хонандалар, маҳалла фаоллари ва ёшлар тақлиф этилди.

Туман аҳолисининг, айниқса ёшларнинг кўзидаги қувонч ва юзидagi табассумни кўриб, шундай дорилмон кунларда эркин ва овоз ашаддиганимизга шукроналар айтганимиз келади.

— Бу боғнинг ташкил қилиниши каттаю кичкиннинг қалбига бир олам шодлик бағишлади. Илгарилари бу жой ташландиқ ер сифатида бўш ётарди. Туман ҳокимлиги ташаббуси билан обод масканга айланишдан барчамиз мамнунимиз, —

дейди «Кўркемоабод» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Саидқарим Сотволдиев биз билан суҳбатда. — Зеро, бундай масканлар нафақат халқимизнинг маданий дам олишини таъминлайди, балки уларнинг қалбига ором, кўнглига сокинлик, шу билан бирга энг гўзал туйғуларни улаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Халқимизнинг энг улуғ ва энг азиз байрами — Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллиги шодиёналари кунини ҳамшаҳарларимизни ўз бағрига қорлаган ушбу боғда эл севган санъаткорларнинг дилрабо куй ва кўшиқлари, ёш ижодкорларнинг бадий чикишлари барчани хушнуд этади.

Гулнор САТТОРОВА

Мутахассис маслаҳати

ПРОФИЛАКТИКА ЧОРАЛАРИГА РИОЯ ҚИЛИНГ

Ботулизм — овқатдан ўткир заҳарланиш касаллиги бўлиб, ботулизм бактериялари токсини марказий асаб тизимига таъсир этиб, кўндаланг — тартиб ва силлиқ мушакларининг парез ва параличларига олиб келиши мумкин. У баъзида бошланғич даврида гастроэнтерит белгилари билан намоён бўлади.

Вегетатив шакллари ва споралар кўплай уй ва ёввойи ҳайвонлар, қушлар, балиқлар ва одамлар ичагида топилади ва улардан атроф-муҳитга тарқалади, озиқ-овқат маҳсулотларини зарарлайди. Ҳозирги пайтда кўпроқ токсиннинг А, В, С типлари билан заҳарланиш кузатилади. Шундай қилиб, асосий юқиш йўли озиқ-овқат орқали ҳисобланади. Совуқ урган, некрозга учраган тўқималарда кислород етиб бориши тўхтайдиган, анаэроб шароит юзага келади ва бу ерда споралардан вегетатив шакллари ҳосил бўлиб, ботулотоксин ишлаб чиқаради ва жирохат ботулизми вужудга келиши мумкин. Қақоқларга споралар қўшимча овқат орқали юқади.

Ботулизмнинг яширин даври 1 суткагача, камроқ 2-3 кун, айрим ҳолларда 9-12 кунгача боради. Беморларда гастроэнтерит ва умумзаҳарланиш белгилари кузатилади. Бунда бемор қориндаги оғриққа, қусиш, ичи суюқ, патологик аралашмаларсиз, 3-5 марта кетишига шикоят қилади. Баъзида бош оғриши, ҳолсизлик, субфебрил ҳароратдан 39-40°C иситмалаш кузатилади. Кўриш қобилиятининг сусайиши, оғиз қуриши ва мушаклар ҳолсизлиги кузатилади. Беморлар кўз олди хиралашига шикоят қиладилар, яхши кўра олмайдилар. Турли даражадаги птоз, яъни кўз қовоғининг осилиб туриши кузатилади.

Қовурға оралиги мушаклар тонуси пастлиги учун нафас олиши юзаки бўлиб қолади. Бу мушаклар параличга учраса бемор кўкрак қафаси сиқилишига шикоят қилади. У йўғала олмайдиган, нафас олиш шовқилари ўпкада эшитилмайди. Юрак қон-томир тизимида тахикардия, артериал гипотензия баъзида гипертензия, ЭКГда метаболик ўзгаришлар аниқланади.

Жуда оғир, ҳаёт билан мос келмайдиган неврологик ўзгаришлар бўлишига қарамай, кейинчалик ҳар бир аъзо ёки тизимда қолдиқ асоратлар қузатилмайди. Касалликнинг оқибати томонидан оғирлик даражаларига бўлиш нисбийдир. Чунки ўртача оғир, ҳатто энгил шаклларида ҳам баъзан бирдан нафас тўхтаб қолиши мумкин.

Ботулизм давоси шошилинч бўлиши лозим, беморлар

доимий равишда кузатилади. Беморларга касаллик муддатидан қатъи назар, касалхонага бўлган даврда ошқозон ювилади. У аввал қайнаган сув билан (текширув материал олиш учун), кейин эса 2,5 фоизли сода эритмаси билан ювилади (токсинни нейтраллаш учун). Ошқозондан тоза сув чиққунча ювилади. Парезлар бўлса, ошқозонни ювиш хавфи ҳисобланади, чунки сув нафас йўлига кетиб қолиши мумкин. Тозаловчи хуналар ҳам юқорида кўрсатилган тартибда ўтказилади. Шу вақтнинг ўзига беморга антитоксик ботулизмга қарши зардоб юборилади. Бу чора ботулизмда асосий ва шошилинч ўтказилиши керак бўлган даво ҳисобланади. Зардобни ҳар қандай ҳолатда юбориш керак.

Бемор клиник соғайгандан кейин уйга жавоб берилади. Узоқ вақтгача кўриш қобилиятининг бир оз бузилиши, мушаклар ҳолсизлигига мойиллик кузатилади. Бемор меҳнат қобилиятининг тиклаш даражасини баҳолашда индивидуал ёндашиш таъзим этилади.

Касалликнинг олдини олиш учун балиқ ва гўшт ярим тайёр маҳсулотлари, мевасабзавотлар, консервалаш ва бошқа маҳсулотларни тайёрлаш ва сақлаш қоидаларига қатъий риоя қилиш лозим. Кўпинча уйда консерва маҳсулотлари, қўзиқорин кабиларни тайёрлашда етарли термик ишлов берилмайди ва бу хавфли бўлиши мумкин. Шунинг учун бундай маҳсулотларни истеъмол қилишдан аввал 10-15 дақиқа қайнатиш лозим. Гумон қилинган маҳсулотлар лаборатория орқали текширилади, беморлар, шу маҳсулотни истеъмол қилганлар 10-12 кун назоратда бўладилар. А.В.Е. зардобларидан 2000 МЕ дан мушак орасига юбориш, энтеросорбентлар тайинлаш тавсия этилади. Касалликнинг олдини олишда ботулизм билан заҳарланиш сабабчиси бўлиши мумкин маҳсулотларни тайёрлаш борасида омма орасида маданий ва маърифий ишларни кенг қўламда олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Хусан ХАЙДАРОВ,
доцент, тиббиёт фанлари номзоди, соғлиқни сақлаш аълочиси, олий тоифали врач-инфекционист

МУЗЕЙЛАР ҲАФТАЛИГИ БЎЛИБ ЎТМОҚДА

Куни кеча пойтахтимиздаги Темурийлар тарихи давлат музейида Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирлиги ташаббуси билан ташкил этилган «Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» шиори остида музейлар ҳафталигининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда маданият ва санъат намояндалари, қатор нуфузли ташкилотлар раҳбарлари, ўқувчи-ёшлар, уларнинг ота-оналари ва ОАВ вакиллари қатнашди.

Унда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирини М.Хожиматов, Ўзбекистон Фанлар академияси вице-президенти Б.Абдухалимов, Бадий академия раиси А.Нуриддинов, Ўзбекистон уюшмаси раиси М.Аҳмедов ва бошқалар музейлар ҳафталиги, ўсиб келаётган ёш авлоднинг онги ва шурурида инсонийлик фазилатларини қарор топтиришга, уларнинг маънавий оламини кенгайтиришга катта ҳисса қўшаётганини алоҳида таъкидлади.

Қайд этилганидек, ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар, бебаҳо тарихий ва маданий меросга ҳурмат, Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш мамлакатимизда алоҳида эътибор билан қаралаётган муҳим масалалар сирасига киради. «Соғлом бола йили» Давлат дастурида ҳам бу борадаги вазифалар бўйича аниқ ва қатъий тавсиялар берилган. Дастурийин айнан шу мақсадларни ифода этувчи бандлари ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 11 июлдаги «Давлат музейларининг болалар ва уларнинг ота-оналарига очилиш таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ушбу қарорга мувофиқ республикамиздаги барча музейларда ҳафтанинг ҳар сешанба ва жума кунлари 18 ёшгача бўлган болалар ва уларнинг ота-оналари учун ташриф эркинлигини таъминлаш ҳамда 2-8 сентябрь кунлари бўлиб ўтадиган музейлар ҳафталиги доирасида барча аҳоли учун музейларга бепул кириш тартиби жорий этилди. Шу билан бирга барча музейларда бой тарихий меросимизни халқимизга тўла етказиш, миллий маданий мерос ҳақидаги маълумотни замонавий технологиялар воситасида ўрганиш, ўтган даврдаги ютуқларимизни, юртимизда амалга оширилган туб ислохотлар моҳияти ва аҳамиятини янги экспозициялар орқали аҳолига чуқурроқ очиб беришга шарт-шароитлар яратилди.

Музейлар ҳафталиги мустақиллигимизнинг 23 йиллиги шодиёналари нишонланаётган кунларда ташкил этилган бежиз эмас, албатта. Истиқлол йилларида улуғ аждодларимиз хотирасини абадийлаштириш, улар қолдирган қимматли меросни авлодларга етказиш, бибобарин юртимиздаги музейлар фаолиятини ривожлантириш билан боғлиқ кенг қамровли ишлар амалга оширилади. Ўтган 23 йил мобайнида юртимиздаги мавжуд музейларни янада ривожлантириш билан бирга ўндан ортиқ янги музейлар ташкил этилди.

Музейлар ҳафталиги доирасида бир қатор маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этилмоқда. Бу тадбирлар ёшларни она Ватанга муҳаббат, азалий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашга, уларнинг ўзлгимизни англаши, ота-боболаримизнинг қимлиги, миллатимизнинг нечоғли буюклигини тўлиқ ҳис қилишга катта ҳисса қўшади.

Ҳафталик доирасида республикамиздаги 41 та музейда жами 184 та маданий-маърифий тадбир, маҳорат дарслари, викториналари, концерт дастурлари ҳамда маданият ва санъат ривожига муносиб ҳисса қўшган шахслар билан учрашувлар ўтказилиши режалаштирилган. Шунингдек, турли мавзулардаги кўргазмалар, экспозицияларнинг очилиши кўзда тутилган.

ЎСМИР ФУТБОЛЧИЛАРИМИЗ ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИДА ИШТИРОК ЭТАДИ

Жорий йилнинг 6-20 сентябрь кунлари Таиланд пойтахти Бангкок шаҳрида футбол бўйича ўн олти ёшгача бўлган ўсмирлар (U-16) ўртасида навбатдаги Осиё чемпионати ўтказилади.

Мазкур қитъа чемпионатида иштирок этадиган 16 терма жамоа турт гуруҳга бўлинган ҳолда баҳсларга киришадилар. Амалдаги Осиё чемпиони Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси «С» гуруҳидан ўрин олган бўлиб Кувейт, КХДР ва Непал термалари билан кураш олиб боради.

Ҳар бир гуруҳда 1-2 ўринларни эгаллаган терма жамоалар, плей-офф босқичида голиблик учун курашни давом эттирадилар. Чорак финалда ғалаба қозонган жамоалар ярим финалга чиқиш билан бирга, 2015 йили Чили давлатида бўлиб ўтадиган ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионати йўлланмасини ҳам қўлга киритадилар.

Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси матбуот хизматида маълум қилишларича, Осиё чемпионатида терма жамоамиз гуруҳдаги биринчи учрашувни 7 сентябрь кунини непаллик тенгдошларига қарши ўтказиши.

«Туркистон-пресс»

ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

дузи — 31-33 даража иссиқ бўлади.

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотиға кўра, Тошкент шаҳрида 5 сентябрь кунини ҳаво бир оз ўзабди туради, ёгингар-чилик бўлмайди. Шарқдан секундиға 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 13-15, кун-

Кўргазмалар

ЎЗБЕГИМ ДЎППИЛАРИ

Кўргазманинг очилиш маросимида ижодий ташкилотлар вакиллари, санъатшунослар, мусаввирлар, уста-хунармандлар, ёшлар ва чет эллик меҳмонлар иштирок этди.

Тадбирда Президентимиз раҳнамолигида мустақиллик йилларида миллий ўзлгимизни англаш, бой тарихимиз, маданий меросимизни ўрганиш ва тарғиб этиш борасида кенг қўламли ишлар амалга ошириладигани таъкидланди.

— Халқимизнинг нодир ва ноёб мероси мавжуд бўлган муассасамизни миллий ўзлгимиз акс этган мўътабар даргоҳ деб аташ мумкин. Бу ердаги экспонатлар инсонларга маънавий озиқ бериш баробарида, уларни миллий қадриятларимизни қадрлашга қорлайди. — Шунингдек, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, бебаҳо меросимизни кўз қорачиғидек асраш, туйғуларини шакллантиришга хизмат қилади, — дейди Ўзбекистон Амалий санъат музейи директори Зухра Холиқова биз билан суҳбатда. — Ушбу кўргазмани ташкил қилишдан мақсад эса хунарманд Исмаил Юсуповнинг шахсий коллекциясидадан ўрин олган ўзбек миллий дўппилари туркумидан намуналар намойиш этиш ва шу орқали халқимизнинг бой меросини

кўргазмага ташриф буюрувчилар ва шахримиз аҳолисига, айниқса ёшлар эътиборига ҳавола этишдан иборатдир.

Кўргазма экспозициясида турли вилоятлар дўппилари ўрин олган. Амалий санъатнинг кенг тарқалган турларидан бири бўлган дўппилар, хотин-қизлар, эркаклар ва болалар миллий либосининг ажралмас қисми ҳисобланади. Санъатнинг бу тури ҳозирги кунгача тўла сақланиб, авлодлардан авлодларга ўтиб келмоқда.

Катта маҳорат билан қўлда тикилган дўппилар нафақат мамлакатимизда, балки чет давлатларда ҳам кенг тарқалган. Ўзбек каштачилиги усулида яратилган дўппилар юртимиз музейлари билан бир қаторда, чет эл музейларини ҳам беэза турибди.

Ўзбек дўппилари кўриниши, нақш услуби, бадий рамзларни уйғунлиги билан бир-бирдан фарқланади. Ҳар бир вилоят дўппиларининг тайёрланишига ўша жойнинг табиий шароити, урф-одатлари, атроф-муҳити, маҳаллий аъноларнинг тарихий ривожланиши катта таъсир кўрсатган.

Масалан, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида ду-малок, куббасимон кўринишдаги дўппилар ёрқин ва бир-биридан кескин фарқ қилувчи ип-

лар билан тикилган бўлса, Бухорода кўпроқ зар иплар ишлатилади. Келиб чиқишига қараб Фарғона дўппилари қадимийроқ ҳисобланади. Тошкентда аёллар дўппилари ироқи услубда тикилган бўлиб, асосан оқ рангда, ранг-баранг гуллар тасвирланади.

Дўппилар тикилган жойига қараб «Чуст дўппи», «Кўкон дўппи», «Шахрихон дўппи», «Марғилон дўппи», «Гилам дўппи» каби турларга ажратилади.

— Ўзбекистон амалий санъатининг бир бўлағи ҳисобланмиш дўппилар ўзбек халқининг бой меросини кўргазмага ташриф буюрган юртдошларимиз ва чет эллик меҳмонларга тўла-тўқис намойиш этади, — дейди хунарманд-уста Исмаил Юсупов. — Мен бу дўппиларни олти йил давомида тўпладим ва амалий санъат мухлислари эътиборига ҳавола этмоқдаман.

Дарҳақиқат, ҳар бир ўзбек дўпписи ўзига хос бир гўзаллиқни, эзгулиқни ва яхшиликни ўзида мужассамлаштирган. Уларни томоша қилиш баробарида ўзбек амалий санъатининг жуда ёрқин ва гўзал намуналарини кўриш имконига эга бўласиз.

Мазкур кўргазма халқимизнинг миллий маданий меросини янада чуқур англашга, қадимдан то ҳозирги давргача бўлган миллий дўппилар билан яқиндан танишишга кенг имкон яратиб билан бирга тарих ва бугунги мустақам боғлайдиган ришта мисолида кишилар қалбидан муносиб жой эгаллайди.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

«101»

ЁНГИННИНГ ОЛДИНИ ОЛИШГА БАРЧАМИЗ МАСЪУЛМИЗ

Айни кунларда ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан жойларда аҳоли ўртасида ёнгин хавфсизлиги қонун-қоидаларини тушунтириш ва уларга риоя қилиш бўйича учрашувлар ташкиллаштирилмоқда. Бундан ташқари, ОАВ орқали ҳам тарғибот-ташвиқот ишлари олиб бориляпти.

Амалга оширилаётган тадбирлардан кўзланган мақсад эса аҳоли ўртасида ёнгинга қарши курашни кучайтириш ва унинг олдини олишга жалб қилишдир. «Тилсиз ёв» билан курашиш ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимлари вазифаси бўлиши билан бирга, унинг олдини олиш ҳар бир фуқаронинг бурчидир.

Шу боис аҳолининг қуйидаги ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиши мақсадга мувофиқ: — очиқ алангадан фойдаланаётганда эҳтиёткорлик чораларини кўриш; — газ ва электр асбобларининг доим саз ҳолда бўлишига эътибор бериш; — қўлбола тайёрланган газ ва электр асбобларидан фойдаланмаслик; — доим белгиланган жойларда чекиш.

Бу қоидаларга амал қилиш билан мол-мулкимиз, ўзимиз ва яқин қишиларимизнинг ҳаётини асраб қолган бўламиз.

Кундалик турмушимизда содир бўлаётган ёнгинларни таҳлил қилар эканмиз, аксарият ҳолатларда бундай ҳодисалар фуқароларнинг бе-

парволиги натижасида келиб чиқаётганлиги маълум бўлади. Кўпчилик фуқаролар уйларида электр тизимини ўзлари билганча хавфсизлик қоидаларига риоя қилмай таъмирлайди, бу билан эса ўзларини хатарга қўядилар. Худди шундай ҳолатларни корхона ва ташкилотларда ҳам учратиш мумкин. Баъзи бир уй бекалари эса газ плитасини ёниқ ҳолда қолдириб, ёнгин сабабчиси бўлиб қолмоқда.

Ёнгин нафақат уй қурилмалари ва жиҳозларини кулга айлантиради, балки кўплай инсонлар ҳаёти, саломатлигига таҳдид солиб, бир умрга мажруҳга айлантиради ҳам. Бу каби ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида биз ёнгин хавфсизлиги бўлими ходимлари, маҳалла фаоллари ва барча хонадон эгаларини огоҳликка қаҳаримиз. Зеро, ёнгин чиққан ҳолатда мудҳиш вазиятнинг бартараф этишдан кўра хавфнинг олдини олган осон.

Тоҳир НАЗАРОВ,
12-ХҲО 23-ХҲХ бошлиғи ўринбосари, капитан

Тошкент Оқшоми

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълолар: 233-28-95,
факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари буйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки
«Тошкент почтамати»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишни ўз ичига
Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

МУАССИСА: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМИ



Бизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@mail.uz
Буюртма Г- 955

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
5779 нускада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Нашр учун масъул
Д. Исроиллов
Босишга топширилди: 14.10

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ